Ушбу сонда:
2 КАМ БЎЛМАНГ, ЯХШИЛАР!
3 TV-ДАСТУРИ
4 ОСУДА ДАМЛАР ҚАДРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 29 октябр, жума № 172 (1805)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

**26 декабр: сайловни очиқлик, ошкоралик, демократик руҳда, сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтказайлик**



*Ёзувчилар пахта далаларида*

## ОРИЯТЛИ ДЕҲҚОН
### нима қилишни ўзи яхши билади

***Уйчи Наманган шаҳрининг шундоқ биқинида жойлашган кўп тармоқли туман. Бу ерда бир неча йиллардан бери пахта ва ғалла тайёрлаш топшириқлари бажарилмасдан келар эди. Истиқлолнинг ўн учинчи йилида ғаллачилик бўйича энг юқори натижага эришилди. Пахта тайёрлаш топшириғи ҳам биринчилар қаторида бажарилди.***

– Аслида гап омадда эмас, меҳнатда, - дейди туман ҳокими Муҳиддин Валиев. – Амалдаги йилда туманимиз меҳнаткашлари ғоят қаттиқ ишладилар. Ҳар туп ғўза ва буғдой ниҳолига кўнгилдагидек ишлов беришга ҳаракат қилинди. Ўсимликлар маҳаллий ўғитга тўйинтирилди. Она табиат ҳам ўз сахийлигини дариғ тутмади.

Уйчиликлар азал-азалдан ўзларининг деҳқончилик алломалари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Бир маҳаллар номлари бутун Ўзбекистонга танилган пахтакорлар Ёқубжон Ҳайдаров, Обилвой Сиддиқов, раҳбарлик санъатини пухта эгаллаган Набижон Абдуллаев, Абдуфаттоҳ Шерматовлар шу ердан етишиб чиққанлар ва ўз меҳнатлари, деҳқончиликдаги билимдонликлари билан довруғ таратганлар.

Ҳозирда уларнинг издошлари кўплаб топилади. Қилинган мардона меҳнат, тупроққа сингдирилган реза-реза манглай тери ўз самарасини бераётган бўлса, не ажаб!

Рақамларга мурожаат қиламиз: бу йил 5455 гектар майдон ғалла учун ажратилди. Деҳқончилик агротехникасига риоя этилганлиги туфайли ҳосил мўл бўлди. Натижада, гектаридан кўзда тутилган 53,6 ўрнига 58,3 центнердан ёки топшириқда кўрсатилган 29250 тонна ўрнига 31802 тонна ғалла тайёрланди ва шу тариқа бу борадаги йиллик режа 108 фоизга адо этилди. Ғаллачиликнинг ўзидан 2 миллиард 569 миллион сўм даромад олинди. Соф фойда режадагидан анча ошиб кетди. Ғалланинг анчагина қисми уни етиштирганлар ихтиёрига қолдирилди. Қишлоқ хўжалигида шуғулланаётганлар, умуман қишлоқда яшаётган оилаларнинг асосий қисми имтиёзли нархларда дон сотиб олишга муваффақ бўлдилар.

Юртбошимизнинг вилоятнинг навбатдан ташқари сессиясида Наманганнинг кейинги йилларда пахтачилик бўйича йиллик топшириқни бажармаётгани юзасидан эътирозлари уйчиликларга ҳам таааллуқлидир. Кейинги йилларда режани бажармаслик одатий ҳолга айланиб, бундан туман ҳамда хўжалик раҳбарлари хижолат тортмайдиган, ортиқча бош қотирмайдиган бўлиб қолишган эди. Лекин ҳамма нарсанинг ўз чеки-чегараси бор. Қолаверса, яхши отга бир қамчи, дейдилар. Барча куч қандай қилиб бўлмасин йиллик режани уддалаш, қолоқликдан чиқиш ҳамда ҳижолатпазлик доғини ювишга қаратилди.

(Давоми 2-бетда)



Кейинги йилларда Жиззах шаҳри тобора чирой очмоқда. Замонавий бинолар, ранг-баранг фавворалар вилоят маркази ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Яқинда Жиззах маданият коллежи ўзининг янги кўркам биносига эга бўлди. Машғулотлар эса кенг, барча зарур қулайликларга эга бўлган хоналарда ўтилмоқда.

**Суратда: талабалар Ҳусан Узоқов ҳамда Раъно Умрзоқова.**

**Д.ТОҲИРОВ олган сурат**

*Жиззах томонларда*

### ГЕРМАНИЯДА ДАВОЛАНИШАДИ

Яқинда германиялик мутахассислар турли касалликларга чалинган болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

Кам даромадли, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг фарзандлари бўлган бу беморлар «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ҳомийлигида Германияда ўз саломатликларини тикламоқдалар. Улар орасида арнасойлик Зулфия Муродилова ҳам бор. Шунингдек, «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастури доирасида ҳозиргача 30 нафар бемор бола тошкентлик жарроҳлар кўмагида ўз соғлиқларини тиклашди.

### ҚИШЛОҚДА «МЕҲР ВА МУРУВВАТ» БОҒИ

Жиззах туманидаги Шўрбел қишлоғида «Меҳр ва мурувват» боғи барпо этилди. 7,5 гектарлик боққа 3 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Келгусида боғдан олинадиган даромад «Меҳрибонлик уйлари» ва болалар боғчалари учун сарфланади.

**Н.БЎРИБОЕВ**

**Бўритош МУСТАФОЕВ,**
**Марказий сайлов комиссияси Раиси**

## ОЧИҚ ВА ОШКОРА

***Ўзбекистоннинг сайловга оид қонунчилиги халқаро меъёр ва стандартларга тўла жавоб беради, фуқаролар давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиши учун кенг имконият яратади. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда, сайловчилар билан ишлашни янада такомиллаштиришда амалдаги қонунларга тўла риоя этиш муҳим аҳамият касб этади.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлади.

Қонунчилик палатаси депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга. Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига сайловга камида ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ариза олинганидан кейин кузатувчига беш кун ичида беради.

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун бир юз йигирмата ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади.

Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисм жойлашган ердаги сайлов округига киради. Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин.

Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўйилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайловга камида олтмиш кун қолганида фаолият бошлайди. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, алоҳида ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади. Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат бўлади. Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган ерини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

**Округ сайлов комиссияси:**

1) сайлов округи ўз ҳудудида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини назорат қилади;

2) сайлов участкаларини тузади, сайлов округи бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади;

3) участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва сайлов округида сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

5) депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплашга оид имзо варақаларини сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларидан қабул қилиб олади, уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади;

6) депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари қабул қилинганлиги тўғрисида сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларига варақа қабул қилинган кун қайд этилган маълумотнома беради;

7) депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди;

8) Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади ва бу номзодларга тегишли гувоҳномалар беради;

9) депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;

10) депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва бу вакилларга тегишли гувоҳномалар беради;

11) сиёсий партиялар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

12) сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

13) сайлов округи бўйича Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссиялари улар билан таъминланишини ташкил этади;

14) сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

15) такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек, бўшаб қолган ўринга депутат сайлови ўтказилишини ташкил этади;

(Давоми бор)

*Касаба уюшмаларида ҳисобот-сайловлар*

## ПУХТА ТАҲЛИЛ, АНИҚ РЕЖАЛАР

***Фарғона вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма ташкилотининг IV Конференцияси бўлиб ўтди.***

***Аҳоли ва халқ хўжалигига кўрсатилаётган алоқа хизмати сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида соҳада кўплаб чет эл технологиялари, жаҳон андозасига мос келадиган алоқа ускуналари билан таъминлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.***

Шу жумладан, Фарғона вилояти алоқа ходимлари томонидан сўнгги йилларда кўплаб замонавий рақамли электрон станциялар, оптик толали кабел иншоотлари қурилиб ишга туширилди, почта хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Барча туман, шаҳар почта алоқа тармоқлари замонавий компьютерлар билан таъминланиб, электрон почта тизими йўлга қўйилди.

Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси 47 та цех ва бошланғич касаба уюшма қўмиталаридан иборат. Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда маъмуриятлар ва касаба уюшма қўмиталари ўртасида тузилган жамоа шартномаларининг ҳиссаси айниқса, катта бўлмоқда.

Амалдаги жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши касаба уюшма ташкилотининг доимий эътиборида бўлиб, ҳар чоракда меҳнат жамоасининг умумий йиғилишларида муҳокама қилиниб келинмоқда. Бундан ташқари, ходимларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш, махсус кийим-бош ва пойафзаллар билан таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда қурилаётган демократик жамият ҳар бир фуқародан ҳаётда ўз ўрнини фаол эгаллашини тақазо этмоқда. Бу касаба уюшмалари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари, жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонунларга, шунингдек, Меҳнат Кодексига асосланиб, ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашни касаба уюшмалари ўз фаолиятининг бош йўналиши деб билмоқда. Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси қарорларини ўз вақтида қуйи касаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда бажара бориб, соҳада меҳнат қилаётган ходимлар моддий манфаатдорлигини ошириш, мазмунли дам олишларини янада яхшилаш, спорт-соғломлаштириш тадбирларини уюштириш, ойлик маошларини ўз вақтида бериб бориш, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар ҳамда нафақадаги ёлғиз қариялар ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Шунингдек, ходимларни дам олиш уйларига, санаторийларга, болалар оромгоҳларига бўлган талаблари имкон даражасида қондириб келинмоқда. Бирлашган касабақўм раиси Аҳмаджон Усмонов конференцияда ҳисобот маърузаси билан чиқди.

Маълум бўлдики, ўтган ҳисобот даврида Ўзбекистон-Америка «Коском» қўшма корхонасининг «Коском-Водий» филиалида РАХ-ШАХ СКТВ кабел телевидениесида касаба уюшма ташкилоти тузилди. Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасида ахборот алмашинувини яхшилаш, касаба уюшма ҳаётида бўлаётган янгилик ва ўзгаришлар, юқори касаба уюшма органлари қарорларини қуйи ташкилотларга ўз вақтида етказиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раёсат қарорига асосан вилоят қўмитасида замонавий компьютер ўрнатилиб, электрон почта ташкил қилинди ва Интернет тизимига уланди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ходимларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи вилоят алоқа ходимлари касаба уюшма ташкилоти ва корхоналар раҳбарларининг доимий эътиборида бўлиб, ҳозир ўртача ойлик иш ҳақи «Фарғонателеком» филиалида 60,2 минг сўм, Фарғона почта шўъба корхонасида 45,3 минг сўмни ташкил қилмоқда. Жамоа шартномаси шартлари 2004 йил биринчи ярим йиллигида барча корхоналарда тўлиқ бажарилмоқда. Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик бўйича бу йил ҳар қачонгидан ҳам эътибор кучайтирилди. Ёзёвон, Риштон, Фарғона почта ва электрон алоқа бинолари таъмирланди.

Конференцияда Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мутахассиси Абдуғаффор Акбердиев ва республика тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитаси раиси Тоҳиржон Назаржонов, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Анваржон Юнусов, «Фарғонателеком» бошлиғи Давлатжон Тошматов сўзга чиқиб, бирлашган касабақўм фаолиятидаги ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳақида танқидий фикрлар билдиришди.

Конференцияда бирлашган тармоқ касабақўмининг ҳисобот давридаги фаолияти чуқур таҳлил этилиб, алоқачиларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини кафолатловчи қарорлар қабул қилинди.

**Сурайё АГЛАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Шахмат*

### САЙДАЛИ ЙЎЛДОШЕВНИНГ ДАДИЛ ҒАЛАБАСИ

***Испаниянинг Калвия шаҳрида ўттиз олтинчи марта ташкил этилган жаҳон шахмат олимпиадасида иштирок этаётган терма жамоалар ўн иккинчи тур учрашувларини ўтказди.***

Тоҳир Воҳидов бош мураббийлик қилаётган шахматчиларимиз Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига навбатдаги муҳим очколарни ёзди. Ҳамюртларимиз австралиялик шахматчилар билан куч синашди. Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов бу гал ҳам рақиби билан дуранг ўйнади. Рустам Испанияда етти партия учрашув ўтказиб, шулардан учтасида ғалаба қозонган, тўртта ўйинда дуранг натижа қайд этилган.

Ўн иккинчи турда Темур Гареев мусобақа давомида илк бор мағлубиятга учради. Бунгача бешта партияни ўз фойдасига ҳал қилиб, тўрт маротаба дуранг ўйнаган иқтидорли шахматчимиз терма жамоамиз ҳисобига энг кўп - етти очко қўшган эди. Лекин Сайдали Йўлдошев ва Антон Филипповнинг ишончли ўйини терма жамоамизнинг Австралия устидан 2,5:1,5 ҳисобдаги ғалабасини таъминлади.

Навбатдаги турда шахматчиларимиз Испанияга қарши дона суради.

Аёллар баҳсида вакилаларимиздан фақат Ольга Собирова латвиялик рақибасини мағлубиятга учрата олди. Навбатдаги ғалабадан сўнг Ольга 8,5 очко жамғарди. Ирода Ҳамроқулова ҳамда Анжела Хегай латвияликларга имкониятни бой берди. Натижада Латвия терма жамоаси 1:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Уларнинг навбатдаги рақиби - Беларус терма жамоаси.

**(ЎзА)**

*Меҳнат муҳофазаси*

## ЛОҚАЙДЛИК
### ҳамиша панд беради

***Аслида жамоада бахтсиз ҳодиса содир бўлмаслиги мумкин. Бунинг олдини олиб, эҳтиёт чоралари кўраётганлар анчагина. Таассуфки, «Сирдарё иссиқлик энергияси станцияси»да меҳнат муҳофазасининг оддий қоидалари ҳам унутилди.***

Оқибатда жамоани қалқитган, чуқур ўйлантирадиган ҳодиса содир бўлди. Энг ачинарлиси, айнан техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазасига дахлдор мутасаддилар ана шу оқибати хунук ишга йўл очишди. Аслида озгина хафсала, қунт бўлса кифоя эди. Афсус...

Гигант корхонада созлаш, мойлаш ишлари тез-тез амалга оширилиб турилади. Бу гал ҳам қисқа муддатлик таъмир лозим топилди. Бу юмушга масъул қилиб ёқилғи транспорти цехи бошлиғи Ғуломжон Давронов, унинг муовини Абдусаттор Бегимқулов ҳамда цех катта устаси Шамсиддин Ортиқов белгиланганди. Биринчи мазут хўжалигидаги ер остидан ўтувчи қувур таъмирланди. Аммо созлаш ишлари бораётганда иссиқлик қувури ёнидан техника хавфсизлиги қоидаларига зид равишда чуқур ўра қазилди. Таъмирлаш ишлари поёнига етказилгач, сунъий ҳавзачани кўмишга хафсала етишмади. Оқибатда, ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлган конденсатлар ана шу чуқурчага тушиб ётаверди. Энг ачинарлиси, юқори ҳароратли сувлар йиғилаётган чуқурча атрофи на ўралди, на огоҳлантирувчи тўсиқ қўйилди. Корхонада бу ҳолдан хабардорлар хавфли ўрани албатта четлаб ўтарди. Аммо кўза кунда эмас, кунида синаркан.

Бу бахтсизликка электроцех навбатчи монтёри Роберт Сим дуч келди. 27 июндаги тунги сменада ишни қабул қилган Роберт ўз юмушлари билан банд бўлди. Кеч соат 21 лар чамаси юмуш билан 1 сонли мазут омборининг мазут кўтариш иншоотлари томон пайпасланиб йўлга тушади. Сабаби, корхона етарлича ёритилмаганди. У туртиниб бора туриб бехосдан ҳароратли чуқурчага қулаб тушади. Қаттиқ куйиш оқибатида касалхонага ётқизилади.

– Иш вақтида бахтсиз ҳодисага дуч келган Роберт танасининг 60 фоизи II ва III даражали оғир куйиш тан жароҳатини олган, - дейди Сирдарё вилоят бош меҳнат техника инспектори Бобо Низомов. – Келтирилган моддий ва маънавий зарар, товон пуллари корхона томонидан қопланди. Меҳнат қонунчилигини бузган шахслар суд қарори билан моддий жазога тортилди.

Айбдорлар жазоланиб, зарар қоплангани яхши. Аммо корхона мутасаддилари бундан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишдими? Эртага «Сирдарё ИЭС» ОАЖда бундай кўнгилсизлик юз бермаслигига кафолат борми?

**Ш.НУРИМОВ**

